

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА БАРТАРАФ ЭИШ ФАОЛИЯТИ

*Хурсанбоев З.Р.*

*ИИВ Академияси 306-гуруҳ курсанти*

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш фаолияти тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлил қилиниб, бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий норма, халқаро ҳуқуқ, принцип, субъект, қонун, жиноят, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий хавфлилик.

### ANNOTATION

This qualification study analyzes the concepts, characteristics, norms regulating these activities and their application, identifying, analyzing and eliminating the circumstances of the offenses and the conditions that prevent them, and proposals for improvement have been developed.

**Key words:** legal norm, international law, principle, subject, law, crime, offence, social danger.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ички ишлар органлари давлат бошқарувининг таркибий қисми сифатида жамият ҳаётида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Уларнинг асосий вазифаси ўз моҳияти ва мазмунига кўра Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Шу сабабли ички ишлар органлари фаолиятини замона талабларига мос равишда мунтазам такомиллаштириб бориш зарурати мавжуд. Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларга қарши курашда самарали натижаларга эришиш, уларнинг миқдорини энг паст даражага тушуриш, салбий оқибатларини камайтириш учун ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш керак. Айнан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш

ва умумлаштириш ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақазо қиладиган, уни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ходиса, воқеа ва жараёнлар аниқланади ҳам да уларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ этилади. Ҳозирги кунга қадар ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини тушунтириш бўйича олимлар ўртасида ягона фикр йўқ, ҳуқуқбузарлик бу ижтимоийҳодиса ҳисобланади, шу боис уни келтириб чиқарадиган, уни ривожланишини белгилаб берадиган, ўсишига таърис қиладиган сабаблар ҳам ижтимоийдир. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари жинойатчиликнинг сабабларига қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз ичига ҳам жинойат ва ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш тартиби белгиланган. Шунга асосан профилактика инспекторлари ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли. Профилактика инспекторлари ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига эса огоҳлантириш беради. Сабаби ушбу ҳолатда содир этилган ҳуқуқбузарликлар сабаби ва шарт-шароитлари бевосита ғайриижтимоий хулқ-атворли шахс, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахснинг ўқиш, иш ёки яшаш жойидан биридаги муҳитга тўғридан-тўғри (бевосита) алоқадор бўлмаслиги мумкин. Ва айнан шунинг учун ҳам хабардор қилинувчи ғайриижтимоий хулқатворли шахс, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган қўл остидаги ходим, назоратидаги ўқувчи ва маҳалла фуқаросининг жамоа муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Берилган хабар асосида улар ички имконияти ёки меҳнат келишувига биноан шартномани бекор қилиши, мураббий бириктириши ёки яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориши ёки бошқа ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Илгари судланган шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч

кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади. Гарчи юқорида келтирилган қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг аниқланиши ва бартараф этилишига доир ҳуқуқий тартиб белгиланган бўлсада, ушбу йўналишдаги ишларни етарлича деб баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, “ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш” келгусида давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу масалага, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланган ҳафтанинг ҳар пайшанба кунида амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасини белгилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш” “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” этиб белгиланган ҳафтанинг ҳар пайшанба кунида амалга ошириладиган чора-тадбирлардан бири этиб белгиланган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўз юритилаётган ушбу қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги Низом” билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг зиммасига “ваколатли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” вазифаси юклатилди. Ушбу қарорнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низом”да эса “вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш” Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар томонидан амалга оширилиши



белгиланган. Бундан ташқари ушбу қарорнинг 2-иловаси билан “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида Низом” тасдиқланган бўлиб ўрганиш ва бартараф этиш ”Ички ишлар органлари таянч пунктларининг энг устувор ва асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Ҳуқуқ-тартибод масканларига юклатилган вазифаларни бажариш учун профилактика инспекторлари қуйидаги ваколатларни амалга ошириши белгиланган: – қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалардаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганадилар, шунингдек ўрганиш натижалари бўйича юқори турувчи ички ишлар органларига тегишли маълумот ва таклифларни такдим этадилар; ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чоратадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширадилар; – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, шу жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритадилар; – давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича такдимномалар киритадилар;

### ХУЛОСА

Фуқаролик жамаяти ривожланиб борган сари, асрлар давомида ўз даврининг мутафаккир олимлари томонидан илгари сурилган фикрлар давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимида ва ундан кейин турли халқаро конвенсиялар ва пактларда ҳуқуқий қадрият сифатида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишларга бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди, дуйиш мумкин. Бундан куйин жиноятчиликка қарши курашиш фақатгина содир этилган жиноятларни очиш, ҳуқуқбузарларни топиш, қонуний жазо тайинлаш ва уни ижро этишдан иборат бўлиб қолиши мумкин эмас. Ҳатто содир этилиши режалаштирилаётган ҳуқуқбузарликнинг олди олинганда ҳам бу вазифани бажаришга жуда кеч киришилган деб ҳисоблаш керак бўлади. Шу тариқа дастлаб жиноятчиликка қарши курашиш қаолиятининг кичик элементи сифатида пайдо бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кейинчалик жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятидан ҳам юқори турувчи алоҳида ва кенг қамровли фаолият йўналишига айланди. Шу боисдан, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг самарали усул ва шакллари ишлаб чиқиш муҳим

аҳамият касб этади. Аммо шуни унутмаслик керакки шакл ва усулларни қўллашда ҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим вазифа эканлигини англашимиз лозим. Криминоген вазиятга таъсир этувчи омиллар ичида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга мурожааномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 25 октябрь-Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги. 2021 йил 25 октябрь
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир». Тошкент. «Ўзбекистон» 2022 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги 14.05.2014 йилда қабул қилинган ЎРҚ-371-сон Қонуни.  
<https://lex.uz/docs/-2387357>
8. [https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-vayondashuvlar\\_391305](https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-vayondashuvlar_391305)
9. [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/jamoatchilik\\_nazorati\\_nimalar\\_ga\\_etibor\\_qaratish\\_kerak](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/jamoatchilik_nazorati_nimalar_ga_etibor_qaratish_kerak)
10. <https://strategy.uz/index.php?news=799>
11. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.  
<https://lex.uz/uz/>